

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Имом Каримов номидаги Тошкент давлат педагогика университети;
- "Аграр" АЖ

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ТАСДІҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:


Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-устубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи қўмитанинг 2021 йил «14» _____ ойда _____ - сонли йўналишида маъқуллашган, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «14» _____ ойда _____ - сонли буйруғи билан тасдиқланган

60411200-Менежмент (саноат корхоналарида инновацион лойиҳалар бошқаруви)
бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари

Мазкур Малака талаблари "Олий таълим давлат таълим стандарти Асосий қондишар", "Олий таълим йўналишлари ва хутақасносликларни классификатори", Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамакасида мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъдрий-устубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда Малака талабларини расмий қон эшиш ҳукуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

Тошкент-2021



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети;
- “Агрегат заводи” АЖ.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «24» 08 даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «26» 08 даги 365 - сонли буйруғи билан тасдиқланган

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>60411200-Менежмент (саноат корхоналарида инновацион лойиҳалар бошқаруви)</i> бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	<i>60411200-Менежмент (саноат корхоналарида инновацион лойиҳалар бошқаруви)</i> таълим йўналиши Малака талабининг қўлланиши.....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>60411200-Менежмент (саноат корхоналарида инновацион лойиҳалар бошқаруви)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи	4
1.2.1.	<i>60411200-Менежмент (саноат корхоналарида инновацион лойиҳалар бошқаруви)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2.	<i>60411200-Менежмент (саноат корхоналарида инновацион лойиҳалар бошқаруви)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3.	<i>60411200-Менежмент (саноат корхоналарида инновацион лойиҳалар бошқаруви)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4.	<i>60411200-Менежмент (саноат корхоналарида инновацион лойиҳалар бошқаруви)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2.	<i>60411200-Менежмент (саноат корхоналарида инновацион лойиҳалар бошқаруви)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг умуммаданий, умумкасбий ва касбий компетенцияларига талаблар.....	6
2.1.	Умумий компетенциялар.....	6
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
	Библиографик маълумотлар.....	8
	Келишув варағи	9

1. 60411200-Менежмент (саноат корхоналарида инновацион лойиҳалар бошқаруви) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи

60411200-Менежмент (саноат корхоналарида инновацион лойиҳалар бошқаруви) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки, сиртки ва масофвий таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Бакалаврият дастурининг таълим шаклларида кўра ўқишни меъёрий муддатлари кундузги таълимда 4 йил, кечки таълимда 4,5 йил, сиртки таълимда 5 йил ва масофавий таълимда 5 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 60411200-Менежмент (саноат корхоналарида инновацион лойиҳалар бошқаруви) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланиши.

Малака талаби *60411200-Менежмент (саноат корхоналарида инновацион лойиҳалар бошқаруви)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасасининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва ўқув дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим муассасасининг талабалари;

- бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим муассасаларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли

давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим муассасаларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг она-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60411200-Менежмент (саноат корхоналарида инновацион лойиҳалар бошқаруви) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60411200-Менежмент (саноат корхоналарида инновацион лойиҳалар бошқаруви) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.

60411200-Менежмент (саноат корхоналарида инновацион лойиҳалар бошқаруви) – “Бизнес ва бошқарув” таълим соҳасига оид йўналиш бўлиб, у ишлаб чиқариш бирлашмалари, турли мулкчилик шаклларида тегишли тармоқ ва соҳаларнинг хўжалик юритувчи субъектлари (корхоналар, жамиятлар, корпорация ва ташкилотлар), молия, кредит ва суғурта муассасалари, инжиниринг компаниялари, технопарклар, бизнес инкубаторларни инновацион ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларини белгилаш бўйича иқтисодий, ташкилий ва бошқарувга доир масалалар ечимларини замонавий концепциялар асосида ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ комплекс масалалар билан боғлиқ касбий соҳалар мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 60411200-Менежмент (саноат корхоналарида инновацион лойиҳалар бошқаруви) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари:

- давлат ва нодавлат ташкилот, корхона ва муассасалар, компаниялар (фирмалар), ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқалар;

- турли мулкчилик шаклларига тегишли тармоқ ва соҳаларнинг хўжалик юритувчи субъектлари, молия, кредит ва суғурта муассасалари, инжиниринг компаниялари, технопарклар, бизнес инкубаторлар фаолиятида инновацион ривожлантиришга йўналтирилган лойиҳалар;

- турли мулкчилик шаклидаги корхона, компания ва ташкилотларни замонавий инновациялар асосида бошқаришни ташкил этиш, илмий-тадқиқот муассасалари ва маҳаллий давлат органларида иқтисодий фаолиятни таъминлаш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнлари;

- инновацион лойиҳаларни бошқарув жараёнини таъминлаш ташкил этилган жамоа ва гуруҳлар;

- илмий ва ишлаб чиқариш фаолиятини техникавий таъминлаш воситалари; касб-хунар коллежларидаги ўқув-тарбия жараёни.

60411200-Менежмент (саноат корхоналарида инновацион лойиҳалар бошқаруви) таълим йўналиши бўйича бакалаврият битирувчилари педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин, профессионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган умумқасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича педагогик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бакалавриятнинг касб таълими йўналишлари бундан мустасно.

1.2.3. 60411200-Менежмент (саноат корхоналарида инновацион лойиҳалар бошқаруви) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- молиявий-иқтисодий фаолият;
- ҳисоб, таҳлил ва назорат;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда инновацион фаолиятни бошқариш;
- илмий – тадқиқот фаолияти;
- ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият.

1.2.4. 60411200-Менежмент (саноат корхоналарида инновацион лойиҳалар бошқаруви) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60411200-Менежмент (саноат корхоналарида инновацион лойиҳалар бошқаруви) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:

Корхонанинг молиявий-иқтисодий фаолиятида:

- турли мулкчилик шаклдаги корхоналар фаолиятини молиявий-иқтисодий режалаштириш, ташкил этиш ва амалга оширишни бошқаришда иштирок этиш;

- корхона фаолиятини белгиловчи молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар ҳисоб-китоби учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тайёрлаш;

- турли мулк шаклларига тегишли хўжалик юритувчи субъектлари дастурлари (бизнес-режа)нинг иқтисодий бўлимларини ишлаб чиқиш;

- ишлаб чиқариш тармоқлари ва индустриал тармоқ корхоналарига инвестицияларни жалб этишнинг самарали усулларини қўллаш;

- корхона фаолиятида молиявий назоратни йўлга қўйишда иштирок этиш.

Корхонанинг ҳисоб, таҳлил ва назоратни амалга оширишга тегишли фаолият турларида:

- корхонанинг молиявий фаолиятидаги ҳисоб-китобини амалга оширишни ташкил этиш, амалга ошириш ва назоратга олиш;

- инновацион ва инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришнинг ҳисоб-китобини амалга ошириш;

- корхонанинг кунлик, чораклик ва йиллик бухгалтерия ҳисоб-китобини амалга

оширишни бошқариш;

- инновацион ва инвестицион лойиҳаларини молиявий ва иқтисодий таҳлилларини ўтказиш;

- корхонанинг молиявий аудитида иштирок этиш

Корхонанинг ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- ташкилот ва корхоналарда замонавий бошқарув тизимини ташкил этиш;

- бошқарув фаолиятини ташкил этишда самарали усулларни танлаш ва қўллаш;

- ташкилот ва корхоналарни инновацион ечимлар асосида бошқарув самарадорлигини ошириш;

- корхонанинг бошқарув фаолияти турига тегишли қарорларни ижтимоий-иқтисодий самарадорлик мезонлари асосида уларни хавф-хатар ва оқибатларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув қарорлар вариантларини ишлаб чиқиш ва самарали вариантларни танлаб олишда иштирок этиш;

- корхонанинг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишда иштирок этиш

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича бошқарув ечимларни ишлаб чиқиш;

- касбий этика қоидаларига риоя қилиш.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда инновацион фаолиятни бошқариш фаолиятида:

- ташкилотнинг инновацион бошқариш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишни амалга ошириш;

- инновацион лойиҳаларни ташкил этиш учун самарали жамоани шакллантириш, жамоага вазифаларни оқилона тақсимлаш ва назорат қилиш;

- жамоанинг ташкилий маданиятини аниқлаш ва уни такомиллаштириш бўйича таклифларни шакллантириш;

мутахассислик фаолияти соҳасидаги лойиҳа ечимларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, ишлаб чиқилган лойиҳа ва дастурларни амалиётга тадбиқ этиш бўйича таклифлар ва чора-тадбирларни тайёрлаш;

- инновацион лойиҳаларни амалга оширишда самарали ҳамкорларни излаш, уларни самарали усуллар асосида жалб этиш

- корхонанинг имижини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

- амалиётда ахборот технологияларининг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш қобилиятларини ўзлаштириш.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- замонавий методлар ва воситалардан фойдаланиб инновацион фаолият объектлари ҳолатини таҳлил қилишда иштирок этиш;

- инновацион лойиҳаларда мутахассислик доирасидаги жараёнларни лойиҳалаш, ишлаб чиқиш ва улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш;

- самарасиз вақт, меҳнат ва моддий ресурсларни камайтириш, рационал технологик жараёнларни танлаш бўйича тадқиқотларни ўтказишда мутахассислик доирасида қатнашиш;

- бошқарув соҳасидаги махсус адабиётлар, илмий маълумотлар, чет элда ва республикамызда эришилаётган фан ва ишлаб чиқариш соҳасидаги ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш;

- таҳлил, ҳисоботлар ва илмий публикацияларни тузиш учун маълумотларни тайёрлаш;

- мавзу (топширик) бўйича илмий-техникавий маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;

- бажарилаётган инновацион лойиҳаларни иқтисодий-математик моделларини ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилиш;

- илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда катнашиш.

Ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолиятида:

- ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида ва техникумларда мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш;

- ўқув фанларини ўқитиш услубиятини эгаллаш;

- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;

- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур ўқув-услубий хужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

- ўқитилаётган фан бўйича амалий ва лаборатория машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;

- мустақил таълим ва ижодий кидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги услублар, воситалар ва шакллар тизимида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириш.

2. 60411200-Менежмент (саноат корхоналарида инновацион лойиҳалар бошқаруви) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг умуммаданий, умумкасбий ва касбий компетенцияларига талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;

- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тассавурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- меъёрий-ҳуқуқий хужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;

- инновацион лойиҳаларни тизимли ёндошув асосида ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;

- бажарилаётган инновацион лойиҳаларнинг иқтисодий-математик моделларини ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилишни билиш;

- лойиҳавий ва дастурий хужжатларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;

- амалиётда ахборот технологияларининг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш қобилиятларини ўзлаштиришни билиш;

- бошқарув фаолиятини самарали ташкил этиш, амалга ошириш ва назорат қилиш кўникмаларига эга бўлиш;

- корхона фаолиятини молиявий-иқтисодий режалаштириш ва бизнес режаларни самарали тузишни билиш;

- инновацион ва инвестицион лойиҳаларни самарали молиялаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

- Би касбий этика кодексига риоя қилиш кўникмаларига эга бўлиш;
- бошқарув тизимида инсон, меҳнат ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва татбиқ қилишни билиш;
- инновацион лойиҳаларнинг амалга оширишни узлуксизлигини таъминлаш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
- бошқарув соҳасидаги махсус адабиётлар, илмий маълумотлар, чет элда ва республикамизда эришилаётган фан ва инновация соҳасидаги ютуқларни ўрганиш кўникмаларига эга бўлиш.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01


Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва ўқув дастурлари, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври, менежмент, турли мулкчилик шакллари, инновация, инвестиция, молиявий аудит, иқтисодий-математик моделлар, бизнес режа, инновацион стратегия, баҳолаш, малака талаблари, бакалавриятнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Ислом Каримов номидаги
Тошкент давлат техника университети

Ректор  проф. С.М. Турабджанов

2021 йил « 23 » 08




«Агрегат заводи» АЖ

Директор  Б.К. Аюбов

2021 йил « 23 » 08

М.Ў.



КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б.  М. Эсанов

2021 йил « 24 » 08

М.Ў.



Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитаси
ринбосари

А.А. Икрамов

2021 йил « 24 » 08

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
активларини бошқариш агентлиги
хузуридаги Хусусийлаштириш, рақобат ва
корпоратив бошқарувни ривожлантириш
ва муаммолари тадқиқ этиш маркази

Директор  И.Л.Бутиков

2021 йил « 24 » 08

М.Ў.



«Технологмаш» АЖ

Директор  Р.А. Абдурахманов

2021 йил « 24 » 08

М.Ў.

